1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИГА 22 КУН ҚОЛДИ

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан ноп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 156 (21. 255) 1992 йил 8 август, шанба

ОБУНАЧИГА — 1 СУМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

БУГУНГИ СОНДА:

1-БЕТ:
● ҒАЛЛА — РИЗҚУ-РЎЗИМИЗ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАЛАЛАРИДА ЕТИШТИРИЛГАН МЎЛ-КЎЛ ҲОСИЛНИ НЕС-НОБУД ҚИЛМАЙ ТЕЗРОҚ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ШУ КУННИНГ БОШ ВАЗИФАСИДИР.

2-БЕТ:
● «БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА.

3-БЕТ:
● СУРХОНДАРЁДА СУСТКАШЛИК ЁКИ ИҚТИСОДИЙ ТАНАЗЗУЛ САБАБЛАРИ ХУСУСИДА.

4-БЕТ:
● «ОЙНАИ ЖАҲОН» ҲАФТАЛИК (10-16 АВГУСТ) ДАСТУРИ
● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

БИНОКОРЛАРНИ ШАРАФЛАБ

Бизда ҳар йили август ойининг бошларида шарафли касб эгалари бўлмиш Қурувчилар кунини нишонлаш одат тусига кирган. Кеча Тошкент шаҳар жамоатчилик вакилларининг шу қутлуғ санага бағишлаб навбатдаги тантанали йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда қурувчиларнинг республика иқтисодиётини, ижтимоий соҳаларини ва умуман барча инфраструктурасини ривожлантиришдаги катта хизматлари таъкидлаб ўтилди. Ҳозир Ўзбекистон капитал қурилишида ярим миллион нафардан зиёд киши ишламоқда. Уларнинг 380 мингини ишчилар ташкил қилади. Қарийб 70 минг муҳандис ва техник хизмат қилмоқда, 54 минг лойиҳачи, меъмор ва бошқа касб эгалари ҳам шу соҳани тараққий эттиришга бел боғлашган.

Булар — катта куч. Афсуски, кейинги пайтларда қурилиш-монтаж ишларининг таннархи анча ошиб кетганлиги туфайли бинокорлик ишларининг ҳажми кескин камайди.

Республика ҳукумати аҳволни ўнглаб олиш учун зарур чораларни кўрмоқда. Йилнинг иккинчи ярми учун 8 миллиард сўмликдан кўпроқ қўшимча капитал маблағ ажратганлиги фикримизнинг далилидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Н. Тўғаганов ҳамда тармоқ турли бўлинмаларининг намояндалари сўзга чиқдилар.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАР БИЛАН

● *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хабарномаси*

● Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунинг бир йиллиги яқинлашгани сари шу қисқа вақт ичида тезлик билан кечган воқеалар кўз олдимиздан ўта бошлайди. Собиқ СССР империяси ўтган август воқеаларидан сўнг чок-чокидан сўкилиб кетиши сунъий ҳолда амалга ошмай, балки табиий шарт-шароитлар, эски марказ зўғумининг инъкоси эканлигини жаҳон афкор оммаси эътироф этиб турибди. Шу боис, собиқ Иттифоқ ўрнида халқаро майдонга чиққан ёш мустақил давлатларнинг вужудга келишини дунё ҳамжамиятлари тан олиши ҳам табиий тарзда амалга ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, август «фавқулодда ҳолати» собиқ Иттифоқнинг тўла емирилишида асосий сабаб бўлмай, балки тезлаштирувчи омил бўлди, холос. Чунки унга қадар ҳозирги мустақил давлатлар ўзларининг истиқлол йўли тарҳларини тузиб улгурган эдилар. Фақатгина уларни шаклан қолипга солиш босқичини амалга ошириш зарур эди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Ўзбекистон мустақиллигига доир қабул қилган ҳужжатлари бу соҳада қўйилган дадил қадамларнинг дебочасидир.

Собиқ Советлар Иттифоқи ўрнида вужудга келган ёш давлатлар мустақиллигини дунё мамлакатлари томонидан эътироф қилиш ўзича амалга ошгани йўқ. Бунинг учун истиқлол йўлига кирган давлатлар раҳбарлари озмунча куч-ғайрат сарф этмадилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва айниқса, республика Президенти И. А. Каримовнинг олиб борган изчил ички ва ташқи сиёсати ҳамда жаҳон ҳамжамияти аъзолари бўлган мамлакатлар раҳбарияти билан турли даражаларда ўтказилган мулоқотларда Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўлининг моҳияти ва мазмуни астойдил, сидқидилдан тушунтирилиши натижасида республикамиз халқаро майдонда кўзга ташлана борди. Ахир 74 йил давомида дунё харитасида ўрни бору номи йўқ бўлган Ўзбекистонни билганлар Совет Иттифоқи, билмаганлар Русия, деб номлаб келганлари эндиликда барчамизга аёндир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчи августга қадар 135 дан зиёд хорижий давлат эътироф этиб, уларнинг 45 таси билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар боғланди. Ҳозир республикамизда 20 та хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари рўйхатдан ўтган. Улар: ГФР, Исроил давлати, Ҳиндистон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Италия, Англия, Бельгия, Покистон Ислом Республикаси, АҚШ, Туркия Республикаси, Франция Республикаси, Испания, Чехословакия, Янги Зеландия, Швейцария, Австралия, Мексика, Япониялардир. Мазкур давлатлардан сўнгги олтитасининг ваколатхонаси Москвада бўлиб, уларнинг элчилари ўриндошлик асосларида Тошкентда ҳам фаолият олиб борадилар. Ҳозир Тошкентда ўнта хорижий давлатнинг элчихоналари ва Мўғулистоннинг Бош консуллиги ишлаб турибди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги кенгаши, Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгаши, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир.

Июль ойида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Франция, Япония, Эрон, АҚШ, ГФР, МДҲ, Швейцария, Руминия, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг турли даражадаги ҳайъатлари ва БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссарлиги ҳамда мазкур халқаро ҳамжамиятнинг Тараққиёт дастури делегациялари қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда).

ИШ ЖОЙЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

● Тошкент вилоятида илк бор хонатлас чиқарила бошланди. Вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг ташаббуси билан бу ишни Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ район саноат комбинатлари йўлга қўйди.

— Биз учун бу янги, айни вақтда жуда фойдали иш, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Х. Файзиев. — Бунинг устига у янги иш жойларини барпо этиш имконини ҳам беради. Йил бошидан буён район саноат комбинатларида 200 минг сўмликдан кўпроқ — минг метрдан зиёд хонатлас чиқарилди.

Пойтахт вилояти маҳаллий саноат ходимлари фаолиятнинг бошқа йўналишлари, масалан, гилам тўқиш, қўй терисидан пўстин, пойабзал тайёрлаш, бинокорлик материаллари ва бошқа кўп буюмлар чиқариш тўғрисида ҳам ўйлашмоқда. Янги корхоналар барпо этиш ҳамда касаначилик тармоғини кенгайтириш муҳим ўрин тутмоқда. Бу анчагина одамларни иш билан таъмилашга ҳамда маҳаллий бозорни истеъмол буюмлари билан тўлдиришга имкон беради. Ўтган йилдан бошлаб вилоят маҳаллий саноат тизимида икки мингдан кўпроқ киши иш жойи билан таъминланди.

Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хом ашё ва материалларнинг ҳаммаси ўзимиздан чиқмоқда. Хонатласни шу ерда олинаётган ипакдан тўқимоқдалар. Шаҳар ва район саноат комбинатларининг тайёрловчилари аҳолидан жун харид қилмоқдалар. Жундан қўли гул усталар эса гилам тўқийдилар.

Вилоят маҳаллий саноат корхоналари йил бошидан буён 36 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқадилар.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

● *Шу кун мавзусида*

● Маълумки, мустақил мамлакат ўз озиқ-овқатига, хусусан, ўз ғалласига эга бўлиши керак. Бу — ҳаёт тақозоси. Шу боис серқуёш ўлкамизда бу ишга астойдил киришилди. Ҳар йилгидан кўпроқ майдонларга ғалла экилгани қувончли ҳолдир. Зеро бундан буён ғаллани четдан келтиришга тобора чек қўйиб бориш муҳимдир. Шу мақсадда бу йил республикамиз далаларида мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Яъни, 844200 гектар ерга арпа, буғдой жойлаштирилганди. Шундан 582100 гектарини буғдой ташкил этади. Режа бўйича 1 миллион 230 минг 400 тонна ҳосил олиниши керак.



ХИРМОНДАГИСИ ЭМАС, ОМБОРДАГИСИ ҲИСОБ

Бу йилги шароит ғаллакорлар учун анча оғир келди. Кўклам ва ёзнинг бошлари серёғин келгани сабабли ҳосил одатдагидан кўра кечроқ етилди. Ҳолбуки, ҳар йили шу пайтгача барча майдонлардаги ғалла ўриб олинган бўларди. Бу йил эса ўрим кечикмоқда.

Шуниси қувончлик, кунига 8890 гектар майдондаги ғалла ўриб олинмоқда. Ҳозиргача республикамиз бўйича 732 600 гектар ердаги ғалла ўриб олинди. Бу, жами ғаллазорларнинг 86,8 фоизини ташкил этади. Бир миллион 192 минг 300 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик шу кунгача ҳар гектар ҳисобига 16,3 центнерданга етди.

Умуман олганда, бу йил республикамиз бўйича 5345 комбайн далаларга чиқарилиши керак эди. Айни кунда эса 1579 комбайн ишлаб турибди. Ҳар бир комбайн билан 5,6 гектар майдондаги ғалла ўриб олинмоқда.

Бугунги кунда ғалла ўрим-йиғимида катта карвон — қашқадарёликлар олдинги сафда боришаётир. Улар маррага яқинлашиб қолишди. Бу йил вилоят бўйича 275,5 минг гектар майдонда ғалла етиштирилди. Шу кунгача 253,4 минг гектар ердаги ғалла ўриб олинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 14 центнерни ташкил этди. Жами 355 минг тонна дон омборларга тўкилди.

Йиллик режани эса хоразмликлар биринчи бўлиб бажаришганди. Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ғаллакорлари ҳам режани ошириб бажаришди. Бу вилоятларда ҳосилдорлик ҳам яхши бўлди. Андижонликлар ҳар гектар ердан 36,5 центнердан, маррага яқинлашган наманганликлар 32,4 центнердан, фарғоналиклар 28 центнердан дон йиғиштириб олишди.

Жумҳуриятимиз бўйича бу йил 135 минг 200 тонна уруғлик дон топширилиши лозим. Ҳозиргача 45743 тонна буғдой, 30183 тонна арпа уруғи жамғарилди. Бу, йиллик режанинг олтмиш фоизини ташкил этади.

Лекин халқимизда хирмондагиси эмас, омбордагиси ҳисоб, деган гап бор. Ана шунга амал қилган вилоятларнинг деҳқонлари давлатга буғдой топшириш режаларини уддалаб қўйишди. **Андижон, Наманган, Бухоро, Фарғона, Сирдарё вилоятлари бу борадаги вазифани уддалашди.** Бироқ, айрим вилоятларнинг ғаллакорлари хирмонларида ғалла бўлишига қарамай, давлат омборига маҳсулот етказиб беришни унутиб қўйишди. Ҳозирги пайтда йиғиштириб олган ғалласи 135 минг 100 тоннани ташкил этаётган Жиззах вилояти ғаллакорлари давлат омборига атиги 71 минг тонна дон етказиб беришди. Режа 66 фоизга бажарилди, холос. Сурхондарё вилоятидагилар эса қўлларида 111300 тоннадан зиёд ғалла бўла туриб, режадаги 54 минг тонна ўрнига 28 минг тоннадан зиёдроқ донни давлатга топширишган. Яъни режа 52 фоизга етди, холос.

Худди шу вилоятларнинг ғаллакорлари ўрим суръатини таъминлашда ҳаммадан орқада қолмоқдалар. Масалан, Жиззах вилоятида 150200 гектар майдоннинг атиги 116600 гектари ўрилди. Сурхондарёда эса 64800 гектар ернинг 53300 гектаридаги ғалла йиғиштирилди. Бу режанинг 82 фоизини ташкил қилади. Бунга сабаб мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланмасликдир. Жиззах вилоятида мавжуд 625 техникадан 381 таси далага чиқарилиптн. Самарқанд вилоятида ҳам аҳвол шу. Биргина Нуробод районини олайлик. Ҳозирги пайтда районда ҳар бир комбайн билан кунига 4—5 гектар майдондаги ғалла ўрилмоқда. Агар ўрим суръати шу аҳволда давом этаверса, умуман ҳосилни йиғиштириб олишга яна бир ой кетиши мумкин. Ахир етилган бошоқлардаги ҳосил нобуд бўлиши мумкинку? Қушларга ем бўлиши мумкин-ку? Бу ҳақда жиддий ўйлаш фурсати етди.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ўримнинг сўнгги, ҳал қилувчи босқичи давом этмоқда. Ғаллакорга қийин, албатта. Шунга қарамай механизаторлар, жаткачилар, шофёрлар бор куч-ғайратларини ҳосилни сўнгги мисқолларини ҳам йиғиштириб олишга сарфлашлари керак. Шундагина далаларда етиштирилган мўл ҳосил омборларга тўкилади. Бу, пировардида халқимизнинг насибасига айланади. Зеро, давлат омборларига бу йил 500 минг тонна ғалла келиб тушиши керак. Айни пайтгача атиги 384 минг тонна ғалла омборларга етказиб берилгани ачинарлидир. Бу, йиллик режанинг қарийб 77 фоизидир. Демак, ҳали яна ғайратни, шижоатни ошириш талаб этилади. Бу борада ғаллакорларимизга омад ёр бўлсин.

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига кўра аҳолига юз килограммдан буғдой бериш ишлари ҳам айрим хўжаликларда кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Бизнингча, шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириб, уларда дон етиштиришни кўпайтириш пайти етиб келди. Масалан, Асака районидаги Файзиобод қишлоғида яшовчи Аминжон Иномов ўзига томорқа учун ажратилган 8 сотих ерга буғдой экиб, ярим тоннадан ортиқ сара дон олди. Ҳосилдан бўшаган ерга эса маккажўхори экди. Республикамизда бундайлар анча.

Ғаллачиликка ихтисослаштирилмаган колхоз-совхозларда ҳам ғалла экилаётганлиги қувончлидир. Улар суғориладиган ерлардан 30—40 центнердан ҳосил олмоқдалар. Ўз аҳолисини дон билан, ун билан таъминлашаётир. **Ана шулардан ўрнак олиш—бугунги куннинг талаби.**

Ш. МИРҲАБИБОВ,
деҳқончилик-саноат бўлими мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети раиси вазифалари Бош вазир ўринбосари ўртоқ Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 август.

● ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ

● Илдизи бир икки халқ — ўзбек ва туркнинг биродарлиги тобора қалинлашмоқда. Маркетинг бўйича мутахассис Ўғур Оқин жаноблари Туркиянинг Оқсарой шаҳридан келганларига анча бўлди. Бу ёқимтой йигит ҳозир Тошкентда фойдали бир иш кетидан қувиб юрибди. У ўз ниятларини сир сақламоқчи эмас.

ЎҒУР ОҚИН:

«ТАДБИРКОРЛАРНИ УЧРАШТИРМОҚ НИЯТИМ БОР»

— Ўғур Оқин жаноблари, юртимизга қандай келиб қолдингиз?

— Дунёда машҳур «Хилтон» меҳмонхоналари тизимини эшитгандирсиз. Мен ана шундай кошоналар қуришга ихтисослашган фирмада хизмат қилардим. Сизларда собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги тугаб кетгач, 1991 йили Ўзбекистонга келиб, икки ой ота макон юрт билан таниндим. Сўнгра Туркияда ўртоқларим билан «Ўроқ туризм ва ташқи тижорат» ширкатини очдим. 1992 йил 15 февралдан бери Тошкентдаман. Ҳозир ўзбек телевидениесининг «Дўстлик» каналида муҳаррирман. Республикангиз Маданият жамғармаси кенгашига аъзоман.

— Ҳозирги юғур-юғурларингиз бонси надир?

— Президент Каримов жаноблари Туркияга ташрифи ва Бош вазир Демирел жаноблари Ўзбекистонга келиши ёпиқ дарвозаларни ланг очиб юборди. Ҳозир бу ерда ким кўп — Туркиядан келиб -кетувчи кўп. Уларнинг ҳаммасини кутиб олиб ўзбек ишбилармонлари билан учраштирувчи кам. Кўпгина турк тадбиркорлари яхши истаклар, умидбахш режалар билан келадилару, натижага эришолмай, вақт зиқ, қайтиб кетадилар. Шу йил бошидан бери Ўзбекистонга мингдан ортиқ ишбилармон келган. Менинг ҳисоб-китобимча, улардан 25-30 кишигина ўзаро манфаатли иш топа олган, холос.

Мен ва менинг бу ерда орттирган маслакдошларимда Туркиядан келадиган саноат ва тижорат вакиллари билан ўзбек биродларини учраштириш нияти бор. Токи, ҳар икки манфаатдор томон бир-бирларини тезроқ топсинлар, муддаоларини англасинлар. Шу мақсадда «Ўроқ турк донишманлик» фирмасини ташкил этдик. Бу ишга Туркияда қизиқувчилар кўп. Дастлабки мулоқотлар натижасида менинг ватандошларим иштирокида ун заводи, пахта тозалаш корхонаси қуриш, аккумлятор, балон ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш, сайру зиёрат уюштиришлари ҳақида истиқболли фикрлашувлар бўлди.



— Агар муштарийларимизда фирмангиз билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш пайдо бўлса...

— Марҳамат, хонимлар ва афандилар, ташриф буюринг, қўнғироқ қилинг. Манзилимиз Тошкентда, Маяковский кўчаси, 6-уй. Телефон 68-24-44. Ҳокимликларнинг вакиллари, турли корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар ва хусусий кишилар аниқ таклиф ҳамда лойиҳалар билан келишса, мулоқотларимиз фақат фойда келтиради. Туркиядан манфаатдор шериклар топиб берамиз. Бу ерда бизга тушадиган таклифларни биз бепул қабул қиламиз. Токи, муайян лойиҳа эгалари топилиб, ҳақиқий иш бошланмагунча хизматимизга ҳақ олмаймиз.

Америкаликларда бир нақл бор, сўзма-сўз таржимаси шундай: Тўғри маҳсулот тўғри замонда, тўғри маконда ва тўғри баҳода бўлса — бунинг отини ҳақиқий маркетинг дейилур. Бу нақлдаги тўрт сифатга бешинчисини, тўғри одам, яъни айни соҳага тўғри келадиган кишини топишни ҳам қўшмоқ зарур.

— Афандим, маъзур тутинг, шахсий ҳаётингиз ҳақида икки оғиз сўз айтсангиз. Оилангиз борми, қаерда истиқомат қиласиз?

— Анқарадаги Ўрта Шарқ техника университетининг тижорат бўлимини битириб, маркетинг бўйича мутахассис бўлдим. Ҳали уйланганимча йўқ. Ҳозирча Тошкентда ижарада яшаб турибман. Яна саволлар бўлса фирмамизга марҳамат! Манзилимиз ўзингизга маълум.

Суҳбатдош
А. АБДУБАННОПОВ.

● *ХДП ҳаётидан*

ОЛИМЛАР ДАВРА СУҲБАТИ

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан олимларнинг навбатдаги Давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республика пойтахтида истиқомат қилувчи бир гуруҳ жамияттшунос олимлар қатнашдилар.

Учрашувни қисқача кириш сўзи билан очган Марказий Кенгаш иккинчи котиби М. Қирғизбоев партиямиз олимлар билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор бераётганлигини, ушбу мулоқот Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги арафасида ўтаётганлигини, республикамизнинг келажаги кўп жиҳатдан бой илм-фан потенциалидан самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Самимий ва хайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбатда академик Э. Юсупов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Ҳ. Ўлатов, профессорлар: Қ. Хоназаров, Э. Каримов, О. Рашидов, А. Эшмуҳамедов, Х. Ҳакимов, Т. Тошмуродов, фан доктори Г. Шерматова, фан номзоди С. Қурбоновлар қатнашдилар.

Улар республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатга ижобий баҳо бериб, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, унинг илғор давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, халқимизнинг ҳозирги вақтничалик қийинчиликларни енгиб, эзгу ниятларга эришиши учун қандай сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ўзгаришларни амалга ошириш, хорижий тажрибадан қай тарзда фойдаланиш тўғрисида гапирдилар.

Давра суҳбати ҳақидаги батафсил ҳисобот газета саҳифасида эълон қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 15 февралда қабул қилган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 84-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Қонуннинг барча моддаларидаги «Ўзбекистон ССР Давлат банки» атамаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» атамаси билан ва «Ўзбекистон ССР Ташқи иқтисодий банки» «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» атамаси билан алмаштирилсин.

2. 2-моддада:

1-банд «н» бандчасидаги «СССРда ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-банддаги «СССР Давлат банки» ва «Иттифоқ ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколати доирасида берадиган рухсатга кўра бошқа операцияларни бажаришлари мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган операциялар республика ҳудудида муомалада бўлган пул бирликларида ўтказилади».

3. 5-моддада.

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасининг банк системасига қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки;

в) республика акциялитижорат саноат-қурилиш банки;

г) республика акциялитижорат агросаноат банки;

д) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат-тижорат банки;

е) пай, акция асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари;

ж) кооператив ва хусусий банклар.

Тижорат, кооператив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар ўзаро муносабатларини шартнома асосида қурадилар»;

3-банддаги сўнгги гап ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл банкларининг шуъбалари ва ваколатхоналари, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги банклар очишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир».

4-банд «ассоциациялари» деган сўздан кейин «холдинг компаниялари» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. 6-моддада:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг банклари ўз фаолиятларида мазкур Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, ўз уставларига амал қиладилар».

5. 7-моддада:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки республиканинг давлат, эмиссион ва заҳира банки ҳисобланади ҳамда ушбу Қонун асосида тузилади»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузиладиган шартномалар ва банклараро битимлар асосида «рубль» зонасига кирувчи давлатларнинг миллий ва марказий банклари ҳамда бошқа хорижий давлатларнинг банклари билан ҳамкорлик қилади»;

модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро молия ташкилотларининг аъзолари учун депозитарий ҳисобланади.

Давлат бошқарув идоралари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколати доирасида амалга оширадиган иш фаолиятига аралашишга ҳақли эмасдир».

6. 8-моддада:

биринчи хатбошидаги «иқтисодий сиёсатини» деган сўзлар «иқтисодий ва валюта сиёсатини» деган сўзлар билан алмаштирилсин ва хатбоши шундан кейин «ишлаб чиқиш ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин:

учинчи хатбоши «ҳисоб-китоб-ссуда» деган сўзлардан кейин «ва валюта» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «СССР Давлат банки билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши «пул-кредит» деган сўзлардан кейин «ва валюта» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

модда қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Республика пул ва кредит тизимига раҳбарлик қилиш;

миллий валютани жорий қилиш ва у билан республика халқ хўжалигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «рубль» зонасига кирувчи давлатлар ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг марказий ва миллий банкларида, халқаро банкларида ва бошқа молия-кредит ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш;

республиканинг олтин заҳираси ва олмос фондини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта фондини вужудга келтириш, давлат валютасини тартибга солиб турувчи ва назорат қилувчи бош ижроия идора вазифасини бажариш;

банк ишлари билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш, чакана савдо ва чет эл валютасида хизматлар кўрсатишга рухсатнома бериш».

7. 9-моддада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига раҳбарликни Раис, унинг муовинлари ва аъзоларидан иборат Бошқарув амалга оширади. Бошқарув Раисини Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлаб, сўнгра уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлайди».

8. 10-моддада:

биринчи хатбоши «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки устав фондини чет эл валютасида ҳам тузиши мумкин» деган жумла билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидан «амал қилиб турган қонунлар ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 11-моддада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланади».

10. 12-моддада:

биринчи жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона пул-ҳисоб-китоби, кредит, валюта инвестицияси, эмиссия-касса сиёсати ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк фаолияти масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида республика ҳудудида жойлашган барча банклар ва банк муассасалари учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқаради»;

иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

11. 13-моддада:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги янги хатбоши киритилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига тўловли кредит ресурслари беради».

12. 14-моддада:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Миллий валюта жорий этилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги «рубль»дир. Бу «рубль» 100 тийиндан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «рубль» ягона тўлов воситаси ҳисобланади. Республиканинг ўз валютаси жорий этилишида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда амалга оширилиши мумкин»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

13. 15-моддада:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган тартибда тасдиқланадиган Давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишлари асосида пул массаси ҳажми ва структурасини тартибга солади»;

модда қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси жамлама пул обороти ҳажмларини пул ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини мустақил белгилайди.»

14. 16-моддада:

«в» бандчаси «шунингдек қимматбаҳо металлар бозорида операциялар амалга ошириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«д» бандчаси «з» бандча деб ўзгартирилсин;

модда «д», «е», «ж», «и», «к» бандчалари билан тўлдирилсин:

«д) республиканинг олтин заҳирасини шакллантириш, унинг бус-бутунлигини таъминлаш ва ундан халқ хўжалиги ҳамда ташқи савдо оборотида фойдаланиш учун олтин-кумушлар бериш;

е) чакана савдони амалга ошириш ва чет эл валютасида хизмат кўрсатиш учун рухсатнома бериш;

ж) пул белгилари ва тангалар тайёрлашни, ташилиши ва сақланишини ташкил этиш;

и) «рубл» зонасига кирувчи давлатларнинг марказий ва миллий банклари ҳамда бошқа давлатларнинг банклари билан алоқалар ўрнатиш;

к) республика номидан халқаро молия ташкилотларига аъзолик билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш»;

иккинчи хатбошининг иккинчи гапидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республика ҳудудидаги ўз муассасалари ва тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси бюджетининг касса ижросини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа давлатларнинг банклари билан муносабатларда, халқаро банклар ва ҳамкорлик марказий банклар даражасида бўлиши назарда тутилган ўзга молия-кредит ташкилотларида республика манфаатларини ҳимоя қилади»;

модда қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан келишилган ҳолда давлат заёмларини жойлаштириш, уларнинг қийматини тўлаш ва улар бўйича фоизлар тўлаш билан боғлиқ операцияларни амалга оширган ҳолда (миллий ва чет эл валютасидаги) давлат қарзлари ҳисобини юритади».

15. 17-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17-модда. Чет эл валютаси билан операциялар қилиш ва ташқи иқтисодий фаолият

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ келган ва халқаро амалиётда фойдаланиладиган чет эл валютасидаги ҳар қандай операцияларни республикада ва чет элларда амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, валюта ва ўзга манфаатларини таъминлашга кўмаклашган ҳолда ҳукуматлараро савдо, тўлов битимларининг (шартномаларнинг, мўлжал баёнларининг) валюта-молия шартларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ҳукуматлараро битимларга, (шартномаларга, мўлжал баёнларига) мувофиқ равишда «рубль» зонасига кирувчи давлатлар ва бошқа давлатларнинг марказий ҳамда миллий банклари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш;

чет эл валютасида акциялар, облигациялар ва ўзга қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш, чет эл валютасидаги фойдадан валюта фондлари ҳосил қилиш;

ташқи иқтисодий операциялар бўйича банкларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси пул бирлигининг чет эл валютасига нисбатан бўлган курсини тартибга солиш, бу пул бирлигини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш;

лицензиялар бериш қоидаларини белгилаш ва тижорат ҳамда чет эл банкларига (уларнинг шуъбалари ва ваколатхоналарига), шунингдек, чет эл капитали иштирокидаги банкларга валюта бойликлари билан банк операциялари ўтказишга лицензиялар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит сиёсатига мувофиқ равишда банклар учун чет элларидан кредитлар жалб этиш ҳажмларини ва улар бўйича фоиз ставкалари даражасини чеклашни жорий этиш;

ўз ҳуқуқларининг муайян қисмини тижорат банкларига ўтказиш ҳуқуқига эгадир».

16. 18-моддада:

1-банд «тижорат банкларини» деган сўзлардан кейин «шунингдек, чет эл капитали иштирокидаги банклар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3-бандинг олтинчи хатбошидаги «маҳорати» деган сўзлар «мувофиқлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандинг биринчи хатбошисидаги «чет эл мамлакатлари» деган сўзлар «чет мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандинг «а» бандчаси қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«чет эллик муассис — банкнинг фаолияти тўғрисида эълон қилинган ҳисобот, республиканинг чет эллдаги, консуллик муассасалари (республиканинг консуллик муассасаси очилгунга қадар Россиянинг консуллик муассасаси) бегиланган тартибда тасдиқланган (устав капитали кўрсатилган ҳолда) унинг устави, бошқа чет эл муассисларига нисбатан эса ана шу муассис мамлакатнинг савдо реестридан кўчирма ёки чет эл муассиснинг юридик мақомини ва обрў-эътиборини исботловчи ўзга бир ҳужжат»;

модда қуйидаги мазмундаги янги 5-банд билан тўлдирилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чет эл валютасида операциялар бажаришга лицензия бериш учун керакли қўшимча маълумотлар талаб қилишга ҳақлидир»;

5- ва 6-бандларнинг дастлабки матнлари 6-банд қилиб бирлаштирилиб, «илтимосноманинг кўриб чиқиш муддати бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат» ўрнига «икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат» қилиб, ўзгартирилсин;

7-бандинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа давлатларнинг тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ўз шуъбалари ва ваколатхоналарини очишлари, минтақаларо банклар ташкил этишлари мумкин. Уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Тижорат банкларининг шуъбалари ва ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлабгина, банк операцияларини амалга оширишлари мумкин.

Ушбу бандинг иккинчи хатбошиси «фойдадан» деган сўздан кейин «хўжалик ҳисоби даромадидан» деган сўзлар билан, «фойдасининг» деган сўздан кейин «хўжалик ҳисоби даромадининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8-бандинг сўнгги хатбошисидаги «ушбу Қонунда» кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9-бандинг биринчи гапи «шуъбалари» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тижорат банклари ёки уларнинг муассислари лицензия бериш ёки уни қайтариб олиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг назорат вазифалари билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан судга ёки Олий ҳакамлик судига шикоят қилишлари мумкин».

17. 19-моддада:

2-бандинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«янгидан ташкил этилаётган тижорат банклари учун устав фондининг энг кам миқдори — 50 миллион сўм, кооператив ва хусусий банклар учун —5 миллион сўм бўлиб, бу пул банк иш бошлангунга қадар муассислар томонидан тўланган бўлиши керак»;

2-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«фуқаролар омонатлари суғуртасининг умумий банк фондига ва ўз резерв фондига фойдадан ажратмалар нормативлари;

валюта ва курс таваккаллари миқдорини чеклаш»;

4-бандинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

5-бандинг иккинчи гапидаги «тақдим этадилар» деган сўзлар «тақдим этишлари шарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган тижорат банклари, уларнинг шуъбалари ва бошқа давлатлар банкларининг шуъбалари фаолияти устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Уставига мувофиқ амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорат вазифаларини амалга ошириш йўлида тижорат банклари операцияларини ёппасига ёки оралатиб, танлаб текшириш тайинлашга ҳақлидир. Банклар фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизими мутахассислари ва аудитор ташкилотлар томонидан амалга оширилади».

18. Қонун қуйидаги янги III бўлим билан тўлдирилсин:

III БЎЛИМ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

19[1]-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳукуматнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини рўёбга чиқарувчи, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатишни таъминловчи ва валюта маблағларини жамловчи ихтисослаштирилган банкдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки республика Марказий банки ва ҳукуматнинг топшириғига биноан:

экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар беради, Ўзбекистон Республикасига чет эл валютасида етказиб берилаётган ва республика чет эл валютасида олаётган давлат заёмлари ва кредитларига хизмат кўрсатади, улар юзасидан ҳисоботлар қилади;

халқаро валюта-кредит бозорларида операциялар бажаради;

контракт шартларини бажаришлари вақтида чет эл банклари, концернлари, фирмалари ва бошқа шериклар айби билан олинмай қолган маблағларни ундиришга кўмаклашади;

ҳукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

уставда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинадиган ўз устави асосида амал қилади».

19. 20-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Тижорат банкининг вазифалари

Тижорат (акцияли, пай асосидаги ва хусусий) банклар юридик ва хусусий шахсларга ушбу Қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосларида кредит-ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизмати кўрсатадилар.

Тижорат банклари устав капитали кимга қарашли эканлигига ва уни шакллантириш услубига қараб, бажарилаётган операцияларнинг тури, фаолият кўрсатиш ҳудуди ва тармоқ белгисига қараб бир-биридан фарқланади.

Республика, минтақа дастурлари ва ўзга дастурларни пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва шартларда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан тегишли лицензия олганларидан кейин чет эл валютасида операциялар амалга оширадилар».

20. 21-моддада:

биринчи хатбоши «тижорат банклари» деган сўзлардан кейин «ва уларнинг шуъбалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

21. 22-моддада:

2-банд қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатлари»;

3-банддаги «масъулияти чегараланган акцияли жамиятлар» деган сўзлар «акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 33-моддада:

2-банд «молия» деган сўздан кейин «ва солиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

23. 34-моддада:

1-банддаги «инспекцияларининг» деган сўз «органларининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

24. 36-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36-модда. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз ставкалари

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади, аммо бу ставкалар давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишларида белгилаб бериладиган фоиз ставкалари сиёсатига асосланган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлмаслиги керак».

25. 39-моддада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Банклар ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган шаклларда амалга оширадилар».

26. 41-моддада:

«халқ депутатлари Совети ижроия қўмитасига» деган сўзлар «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27. 42-моддада:

сўнгги хатбошидаги «халқ депутатлари Совети ижроия қўмитаси» деган сўзлар «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28. 44-моддада:

2-банддаги иккинчи гап қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пул муомаласи мустаҳкамлигини таъминлаш ва пул қадрсизланиб нарх ошишининг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки омонатлар ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича чеклашларни жорий этиши мумкин».

29. 46-моддада:

1-банддаги «тижорат банкидир» деган сўзлар «давлат-тижорат банкидир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки жалб этган пул маблағлари халқ хўжалигининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилади ва Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки томонидан Жамғарма банки муассасалари бевосита хизмат кўрсатадиган аҳоли ва юридик шахсларга кредит беришдан фойдаланилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қарз мажбуриятларига жойлаштирилади»;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасдиқлайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинадиган ўз устави асосида фаолият кўрсатади».

30. 47-моддада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар омонат қўювчи бўлишлари мумкин»;

сўнгги хатбошидан «ССР Иттифоқи ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

31. 49-моддада:

«СССР Давлат банки» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат тижорат банки Уставларини «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга асосан тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин, шунингдек вазирликлар, давлат комитетлари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

1992 йилнинг 1 сентябригача республика Марказий банкининг Уставига «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонундан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиб, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати тасдиғига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси банк тизими фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив ҳужжатларни қабул қилинган Қонунга мувофиқлаштирсин;

бир ой муддат ичида хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоб-китобларни тартибга солиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин ва уларни республика Ҳукумати тасдиғига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат тижорат банки 1992 йилнинг 15 августигача қайта рўйхатдан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига зарур ҳужжатлар тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

СУРХОНДАРЁДА СУСТКАШЛИК

ёки иқтисодий таназзул сабаблари хусусида

● Саҳий тупроғи Қуёшдан қувват олувчи Сурхондарё республикамизнинг бой табиий имкониятларга эга вилоятларидан. Бу масканнинг нурга йўғрилган ноз-неъматлари довруғи олис-олисларга кетган. Меҳнаткаш, танти одамларини айтмайсизми?! Улар қалбидаги ҳарорат жануб офтобининг оташин тафтидан қолишмайди. Кўлами 20,8 минг квадрат километрга ястанган ҳудуд Фарғона водийсидаги уч вилоятдан-да кенгроқ, Сурхондарё харитасига саккизта Люксембург давлатини жойлаштириш мумкин.

ХУШ, ана шу имкониятлардан қандай фойдаланяпти? Мустақиллик деб аталган неъмат самаралари қанчалик намоён бўляпти? Шу каби саволлар билан Сурхондарёнинг бугунги томир уришига қулоқ тутмоқчи бўлдик.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Любовь Ражабова хонасига қадам қўйганимизда дафъатан ноқулай вазиятнинг устидан чиқиб қолибмиз. Любовь Раҳимовна ҳозиргина вилоят ҳокими Ҳаким Бердиев ҳузурига кириб чиққан, у ерда қаттиқ дакки эшитган экан. Аввалига «хизматчилик, бўлади-да», дедик юпатиб.

— Уфф, — дея ҳасратидан чанг чиқди опахоннинг, — ўз ишинг бўйича гап эшитсанг унча алам қилмайди, аммо бировлар учун сени сўкишса... Ҳай, менинг бу масалага нима даҳлим бор, билмадим?

Шу пайт хонага кириб келган вилоят ҳокимлиги ташкилий бўлимининг мудири Ҳасан Аллабердиевга опахон «катта»дан олган зарҳрини сочди:

— Ахир сиз учун мен гап эшитаманми? Ўз ишингизни билиб қилсангиз бўлмайдими?

Мудир анграйиб қараб туришдан бошқа жавоб қилолмади. Агар кейинги таассуротларимиз ана шу ҳолатни бизга дамба-дам эслатмаганда эди, бу дилхираликка кундалик ишда учрайдиган оддий воқеа деб қараган, бинобарин бу ҳақда ёзиб ўтирмаган бўлардик. Чамаси бу ердаги асабий вазият осонликча тарқамаётган туманга ўхшаб кўринди. Ғубор ёзилиб, кўнгил равшанлашмас экан, ишнинг юришиши қийинлашиб бораверади. Ахир, ҳар жабҳада ҳам инсон кайфияти, аҳволи руҳияти муҳим-да.

Бунга биз жазирама шароитда ҳосилини пишираётган деҳқонлар ҳузурида бўлганимизда, эртанинг режасини тузаётган хўжалик раҳбарлари билан гурунглашганимизда, халқи учун елиб-югураётган район ҳокимлари дардларини эшитганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Энг аввало шуни айтиш керакки, Сурхондарёнинг мард, ақлдия устивор халқи қайноқ меҳнат жабҳасида шижоат кўрсатиб ишлаяпти. Бу фидойликни кўрмаслик, тан бермаслик, юмшоқроқ қилиб айтганда, инсофсизликдир. Бордию ушбу таассуротларимизда раҳбарликнинг танг ўринлари ҳақида тўхталгудек бўлсак, уям жанубий диёр одамларига меҳримиздан, яхшиликни соғинганимиздан.

Биз ҳали вилоятнинг турли жойларида одамлар билан учрашганимизни айтдик. Бу мулоқотларда, мозаикаларда лахтак-лахтак қисмлар бирлашиб яхлит манзарани яратгани каби, бугунги ҳокимиятнинг бор бўй-басти гавдаланди. Эл-юрт ишончини оқлаш учун куч-ғайрат сарф этилаётганидан кўз юммаган ҳолда Сурхондарё иқтисодиёти секин-аста чўкиб бораётганлигини қайд этсак, халқ хўжалигининг муҳим марраларида ишлаётган мутасаддилар учун янгилик сир эмас, деб айтмаган бўламиз.

Тўғри, хўжаликни бошқаришнинг мураккаб босқичини бошдан кечираяпмиз. Лекин Сурхондарёда эришилган ишлаб чиқариш натижаларига республиканинг бошқа вилоятлари кўрсаткичлари фонида назар ташласак, ҳақиқий манзара тиниқлашади. Қолаверса, Сурхондарёнинг ўзидаги қиёсий рақамларга қарасак ҳам қолоқлик томон чекинилаётганини илғаш қийин эмас. Юқорида ғарби кенг воҳанинг қучоқ сиғмас қамрови ҳақида гапирувдик. Энди мана бу рақамларнинг маъзини чақинг: республикада жами моддий ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,7 фоизи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 3,2 фоизи Сурхондарё улушига тўғри келади. Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун барча зарурий имкониятлар мавжуд. Чунки бу ерда бошқа жойлардагига нисбатан янги ерлар ўзлаштириш имкони кенгроқ, сув ва ҳарорат таъминоти юқори. Бироқ кейинги йилларда бошқарув идоралари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйдилар. Иқтисодиётнинг асоси ҳисобланмиш жамоат қишлоқ хўжалигига эътибор камайди. Айниқса, интенсив технологияларни жорий этиш борасида интизом сусайди. Агар 1988 йилда жамоа ва давлат хўжаликларида, хўжаликлараро ва бошқа корхоналарда 931 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йилда 840 миллион, 1991 йилда 846 миллион сўмни ташкил этди. Бунда ҳар юз гектар экинзор ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 69 минг сўмликкача камайди, бу Фарғона водийси, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидагидан 1,5 баравар ва ундан кўп миқдорда камдир. Ана шу кўрсаткич интенсивлаштириш даражаси пастлигини, хўжаликларда табиий-иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш ночорлигини кўрсатади. 1989 йилдагига нисбатан дон, картошка, мева, узум, полиз экинлари ҳосилдорлиги камайди, бу ялпи хирмон чўғини пасайтирди.

ВИЛОЯТ ташкилотлари пахта етиштириш ҳажмини қисқартириб боришда жиддий хатоларга йўл қўймоқдалар. Сурхондарё шароитида пахта, айниқса, унинг ингичка толали нави юқори самара беради. 1991 йилда 465 минг тонна пахта етиштирилди. Ҳолбуки, 1989 йилда умумий хирмон 489 минг тоннани, 1990 йилда эса 485 минг тоннани ташкил этганди. Бу йил янада кам хом ашё олиниши кўзда тутиляпти.

Ўтган йили мол ва парранда гўшти сотиш 1989 йилдагига нисбатан 11 фоиз камайган. Жорий йилнинг биринчи ярмида бултур шу давридагига қараганда 29 фоиз гўшт, 12 фоиз сут кам етиштирилди. Олтинсой, Ангор, Денов, Қумқўрғон ва Шўрчи районларида гўшт етиштириш 1989 йилдагига нисбатан 22—29 фоиз камайди. Олти ойликда эса нафақат гўшт, балки сут етиштириш кўрсаткичлари ҳам тушиб кетди.

Чорвачиликда қолоқликнинг асосий сабаби — фермалар маҳсулдорлигини ошириш бўйича изчил ишнинг йўқлиги, районлар ва вилоят ҳокимлигининг тармоқ эҳтиёжлари ҳамда муаммоларига лоқайдлигидадир. Кўплаб раҳбарлар чорвачиликка раҳбарлик қилишдан амалда четлашдилар, бу муҳим соҳани ўз оқимига ташлаб қўйдилар. 1989—1991 йилларда ҳар бир сигирдан сут соғиш 125 килограммга камайганини шундай изоҳлаш мумкин. Жорий йилнинг олти ойида мазкур кўрсаткич умуман вилоят бўйича бултурги ярим йилликдагига нисбатан 147 килограмм камайди ва 972 килограммни ташкил этди. Ҳолбуки, республикада ҳар бир сигирдан ўртача 1.120 килограммдан сут соғилди. Олтинсой, Бойсун, Денов, Сариосиё, Шўрчи районларида ярим йилда ҳар бир сигирдан атиги 619-899 килограммдан сут соғилди, яъни 200 килограмм атрофида чекинишга йўл қўйилди.

Ўтган олти ой мобайнида республика бўйича ҳар бир товуқдан 77 тадан тухум олинди. Бойсун районида бу кўрсаткич 21 донани, Гагаринда — 32, Деновда — 36, Узунда — 49, Қумқўрғон районида 51 донани ташкил этди. Ярим йилда вилоят ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,5 миллион дона тухум кам етиштирди. Бу чекиниш яна қанча давом этаркин?

Вилоят раҳбарлари учун чорвачилик ўғай соҳа эканлигини шундан билса бўладики, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида чорвачиликнинг улуши давлат хўжаликларида 12 фоизни, жамоа хўжаликларида 13 фоизни ташкил этади.

Чорвачилик шундай аянчли аҳволда бўлгани устига ем-хашак тайёрлаш суръати ниҳоятда сустлиги кишини ажаблантиради. Айтайлик, шу йил 27 июлгача ҳар бош шартли мол ҳисобига 7,3 центнер озуқа бирлиги тайёрланди, бу 1991 йилнинг шу давридагига қараганда 6 фоиз камдир. Кейинги ҳафта суръати баттар пасайиб кетди. Аҳвол шу тарзда давом этса, вилоят хўжаликлари бўлғуси қишлов учун етарли озуқа жамғаролмайдилар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши хўжаликлар иқтисодий аҳволига салбий таъсир этмоқда. Аксарият жамоаларнинг ҳисоб рақамларида бир мири ҳам йўқ. Шу йилнинг 29 июлига олинган моддий-техникавий ресурслар учун таъминотчилардан қарздорлик 2,7 миллиард сўмдан ошиб кетди. 1991 йил якунларига кўра қарздорлар кечиларганлигига қарамай банклар ссудаси бўйича тўланмай қолган пул 4 миллион сўмдан кўпдир. Хўжаликлар ҳисобида қолдиқ маблағ эса атиги 326 миллион сўмни ташкил этади.

Вилоятда маънавий-руҳий иқлимни яратувчилардан энг асосийси биринчи раҳбар — ҳоким, албатта. Ҳаким Эшбоевич Бердиевнинг номзодини вилоят Кенгаши депутатлари деярли якдиллик билан қўллаб-қувватлашганида у кишидан аввало барчага бирдай назар ташлашни, анча вақтдан буён яшаб келаётган гуруҳбозликка барҳам беришни қутгандилар. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги олағовур замонда шундай катта элга раҳбарлик қилиш ниҳоятда мушкул. Ҳоким лавозимининг масъулияти илгариги саркотибникидан ҳийла зарворли. Бутун иқтидорни мураккаб масалаларни доноларча ҳал этишга қаратиш, кўпчиликнинг бошини бир жойга қовуштириш, каттаданкичик фуқарога чинакам ота бўлиш талаб этилади ҳозирги ҳокимдан. Шу маънода унинг фаолиятига баҳо беришда ҳам биз мутлақ ҳукм даъво қилмаймиз.

Бироқ кейинги пайтларда Сурхондарёда кетма-кет ғалати воқеалар рўй бераяпти, уларни таҳлил этиш орқали бошқа ноҳушликларнинг олдини олиш, хатоларни такрорламаслик каби эзгу ниятдан бўлак муддаомиз йўқ. Шулардан бири — ўтган йил кузагида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг таъсис қурултойида содир бўлган фавқулодда ҳолат бўлди. Кун тартибида кенгашнинг биринчи котибини сайлаш масаласи турарди. Сўзга чиққан нотиқлар шу даражада жазавага берилишдики, гўё гуруҳбозлик ва тарафкашлик нишоналари лакмус қоғозида кўрингандек аён бўлиб қолди. Масъул вазифаларга кадр танлашда асосий мезон иқтидор ва қобилият эмас, балки шахсий садоқат ҳамда ошна-оғайнигарчилик жиҳатлари олдинги маррага чиқиб қолаётгани рўй-рост айтилди. Таъбир жоиз бўлса, бу талашишлар вазиятнинг таранглашиб бораётганлигидан дарак берувчи биринчи қўнғироқ эди. Шундай огоҳлантирувчи сигналнинг навбатдагиси узоққа чўзилмади: 1992 йилнинг январида бўлиб ўтган вилоят кенгаши сессиясида яна эҳтиросларга эрк берилди. Асабларнинг бунчалар таранглашуви ишлаб чиқаришга таъсир этмай иложи йўқ эди. Эҳтимол, қолоқлик сабабларини шу хил ола тасир вазиятлардан, уни вужудга келтирган кишиларнинг фаолиятидан изламоқ керакдир.

БИР вақтлар ходимнинг фаолиятига баҳо беришда шундай мезон бор эди: устидан кўп шикоят ёзилмаганми? Агар муайян вақт ичида ҳеч ким уни қоралаб ёзмаса, демак у яхши ходим, агар бир неча бор арз қилинса —аксинча. Ҳаёт бундай нуқтаи назарнинг нотўғрилигини, ҳар бир ҳолатга алоҳида қараш, баҳолаш кераклигини кўрсатди. Лекин, барибир — тўғрими-нотўғрими, шикоят ўз оти билан шикоят. Бундай арзномаларни чорасиз қолган одам ёзадими, бировнинг қутқусига учган зот битадими, ҳар ҳолда эшитган қулоққа яхши эмас.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Сурхондарёдан яна бир шикоят келиб тушди. Унинг муаллифлари Ангор районидан Ўзбекистон халқ депутатлигига сайланган ҳурматли кишилар —механизатор Жўра Бекнонов ва боғча мудираси Шарофат Норбекова. Кимнинг устидан арз қилишибди дейсизми? Яна бир Ўзбекистон халқ депутати, Гагарин дон қабул қилиш корхонаси директори Қурбон Амирқулов устидан. Шикоятнинг мазмуни шуки, нега Қ. Амирқулов сайловчилар наказини... бажариб келяпти. Ғалати-я! Албатта, арзномада айнан шундай эмасу, ҳар ҳолда иккала депутат ўз ҳудудларидаги сайловчилар топшириғини бажариш учун газ қувурлари изидан боришадию натижага эришишолмайди. Ие, нега Қурбон Амирқуловда бундай қувурлар қалашиб ётибди? Устидан шикоятни қалаштириб юборсак-чи? Эҳтимол у бутун вилоятга ажратилган қувурларни ўзига олаётгандир?!

Иккала халқ вакили ҳам бу ҳақда лоақал сессия танаффусларида ҳамкасбларидан сўраб кўришса бўларди. Лекин «шикоят» ёзишни маъқул кўришди. Унда айтилган масалаларни обдон ўрганиш учун Тошкентдан махсус комиссия ташриф буюрди. Роса элак-элак қилингандан кейин бор ҳақиқат аниқланди: депутат Қ. Амирқулов ўз ташаббуси билан, вилоятнинг қувур фондига қўл теккизмай, қўшни давлатлардаги заводлар билан шартнома тузиб анчамунча газ қувури ундирган экан. Яна бир тафсилот: истеъмолчилар бундай қувурнинг тоннасини 10—13 минг сўмдан олишаётган бўлса, тадбиркор депутат арзончилик замонида бир тоннасини 2 минг сўмдан келтириб қўйган...

Қандингизни уринг, Курбон ака! Суҳбатдошимиз бизга қувур келтириш учун имзоладган қатор-қатор шартномаларини кўрсатди. Эл қайғусида тинмай елиб-югуришнинг натижаси бу. Қаранг, шундай ишчан одамнинг устидан депутат дўстлари ёзишса-я! Эҳтимол, Қ. Амирқуловнинг ажойиб ишлари (корхонанинг ўзи бир достон) кимлардадир ёқмаган, балки бу дадил одамнинг ботирона сўзлари баъзиларнинг ғашини келтиргандир.

Аммо бундай ёз-ёзлар ҳам умумий вазиятга ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Шу сатрларнинг муаллифи ҳам эртага ушбу мақолани ёзгани учун жойларда уюштирилган «шикоятлар ёмғири»дан кафолатланган эмас. Начора, биров уни ёзади, биров буни. Биз кўрганбилганларимизни ёзамиз.

Замон қотиб қолган эскича андозалар бўйича ҳаракат қилишни эмас, балки қолипсиз ечимлар йўлидан боришни, ташаббускорликни тақозо этади. Орамизда ҳамон мустақиллик талабларига кўниколмаётган кишилар анчагина.

Назаримизда баъзи раҳбарлар мустақиллик деганда фақат ўз гапинг ўтказишни тушунадиганга ўхшайди. Бошқаларнинг фикри ўзига сийлов. Мабодо кимдир ўз мулоҳазасини билдириб қолса, бундайларга аввалига «Яхши, ҳисобга оламиз» дейиладию, фикрини эмас, унинг муаллифи алоҳида «ҳисоб»га олиб қўя қолинади. Ахир раҳбар бағри кенг бўлиши керак эмасми? Кек сақлаш, ўчакишиш катта одамларда рўй берса, билингки, бу ожизлик нишонаси. Зеро, ота барча фарзандларини бирдай кўриши керак.

Шу йил Термиз райони Кенгашининг ташкилий сессиясида бўлиб ўтган ғаройиб ҳангомалардан бир шингил эшитинг. Биз бу ерда ҳокимликка вилоят «каттаси»нинг қариндоши Жовбўри Абдуҳакимов сайланганига ҳам ўрғу бермоқчи эмасмиз. Негаки, бу кадр ҳали ҳоким Ҳ. Бердиев вилоятга биринчи раҳбар бўлмасдан майдонга чиққан, айтиш мумкинки, ўз меҳнатига яраша кўтарилган. Гап бу ерда маҳаллий депутатларни менсимаслик, одамлар устидан бемалол «тажриба» ўтказиш мумкин деган қабилдаги кайфият, муносабат ҳақида.

Томдан тараша тушгандай ўша куни эрталаб район Кенгаши депутатларига сессия бўлиши ҳақида хабар қилишди. Нега бунча тез? Сал олдинроқ эълон қилишнинг имкони йўқмиди? Вилоят ҳокими ўша куни боришни ихтиёр этган экан. Хуллас, ҳамма жамул-жам бўлгач, сессияни бошлаймиз, деб туришганда район ижроқўми масъул котиби Абдурасул Хайриддинов сўз сўраб қолди. Нима гап, тинчликми? «Ахир сессияда депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этиши керакку! Бу ерда эса 75 депутатдан 35 нафари бор, холос. Оббо, шу етмай турувди! Санаб кўришди. Тўғри, кворум йўқ. Эрталаб соат тўққиздан ошиб қолган, «кун тартиби»га депутат йиғиш масаласи қўйилди. Бу ерга вилоят ҳокимлиги ташкилий бўлими мудири Х. Аллабердиевни чақириб келишди. У ҳам А. Хайриддиновнинг талаби тўғри эканлигини тасдиқлади. Ҳар бир дақиқа вақти ҳисобли бўлган вилоят ҳокими ҳам мажлис бошланиши пайтини соатлаб кутиб ўтираверади. Йиғилганлар бу вазиятдан асабийлашар, тушликсиз — бошқасиз «бекор туриш» саккиз соат давом этди. Таъбир жоиз бўлса, шу кўриниш вилоятда бугунги ташкилотчилик даражасини ифодаловчи саҳна эмасми? Ниҳоят соат 17 ларда сессия ўз ишини бошлади. Кун бўйи чарчаган депутатлар ҳеч бўлмаса ҳоким ўринбосарлигига ўзимиздан чиққан ходимлардан бирортаси ўтиб қолар деган умидда эдилар. Йўқ ҳаммаси белгиланган «ишланма йўл» бўйича давом этди. Шундай қилиб, масъул ўринларни Шеробод ва Ангор районларидан келган кутилмаган кадрлар ҳисобига тўлдиришди.

— Сессия тугагач, бир гапни жудаям айтгим келди. Лекин «нима фойдаси бор?» деб индамай қўя қолдим, — дейди А. Хайриддинов.

— Нима гап эди?

— Шартта ўрнимдан туриб, Ҳаким Эшбоевичга «Виждонан айтингчи, бугун тўғри қиляпсизми?» деб сўрамоқчи эдим. Лекин журъат қилиб айтмадимми, энди ҳеч кимга даъвойим ҳам йўқ...

Биз эса шу ўринда Ҳаким Эшбоевичдан шуларни сўрамоқчимиз: айтингчи, ўша йигит кўнглида туғилган саволни Сизга нега бермади? Ўша сессия мажлиси А. Хайриддинов учун район идорасида охирги иш куни бўлгани бугунги кунда Сизга маълумми? Ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда сессияда қатнашолмаган депутатлар ҳафсаласизлик билан қўл силтаб қўйганлари раҳбариятга нисбатан ихлосни чил-парчин қилганини биласизми?

— Мен бундай ўйинда қатнашишга ортиқ бардош беролмадим, сессияни ташлаб кетдим, — дейди Термиз район ёшлар иттифоқи қўмитаси котиби Хўжаёр Имомов. — Ўттиз уч ёшимда ҳаммасидан қўлимни ювиб қўлтиққа урдим. Ҳақиқат йўқ, акалар, газетага ёзганингизда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Бизни айтди, деманглар...

Худди шундай сўзларни биз вилоятда жуда кўп одамлардан эшитдик. Ростдан ҳам ҳақиқат йўқмикин? Наҳот, ҳеч нарсани ўзгартира олмасак? Модомики ўқиган, тушунган шу йигитки, шундай деб турса, ким билсин, оддий халқ қандай хулосага борган экан. Наҳотки бугунги раҳбарларимиз матбуот сўзи, аввало уларга тўғри йўлни, яхшиликни кўзлаб айтилишини тушунмаса?

СИЗ бу йўлдан бормаслигингиз керак, Ҳаким Эшбоевич, тўғрими? Негаки, бой таржимаи ҳолингиз кўп нарсани кўрганлигингиздан дарак бериб турибди. Агар Гагарин район партия комитети биринчи котиблигидан бошқа ишга ўтган чоғингизда сизни ошна-оғайнигарчиликка берилди, деб гапиришган бўлсалар, у кунлар аллақачон ўтмишга айланиб кетди. Зотан, ўша чиқарилган сабоқдан бугун ҳам қўл остингиздаги баъзи раҳбарларга дарс ўтиб қўйсангиз чакки бўлмасди!..

Агар оддий одам бирор хатога йўл қўйса, унинг оқибати ончалик кенг доирада тарқамаслиги мумкин. Лекин масъул лавозим соҳиби кичик адолатсизликка имкон яратса ҳам унинг доғи каттариб кетади. Олтинсой районидаги «Шакарқамиш» давлат хўжалигида рўй берган ҳаромхўрликлар ҳақида «Халқ сўзи»нинг 2 июнь сонида «Туяни шамол учирса» сарлавҳали фельетон чоп этилди. Шундан сўнг вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг оператив ходимлари сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиш учун у ерга йўл олишди. Ё алҳазар, бир хўжаликдаги ўмаришлар ҳақидаги маълумотлардан одамнинг капалаги учади. Давлат хўжалигида 100 тоннага яқин узум 4 вагонга жойланиб, Москва яқинидаги «Нива» ширкатига 260 минг сўмга пулланади. Текшир-текширдан сўнг Парда Мустафоқулов 130 минг сўмини тўлабди. Таъминотчи Имомқул Наврўзов 8 вагонда 200 тоннага яқин узумни Нижний Новгород шаҳрида сотиб, 460 минг сўмдан 210 мингини чўнтакка урган. Хўжалик ёқилғи-мойлаш омбори мудири Эргаш Алимардонов 2 минг литр бензин талонларини, 7 минг литр бензинни ғайри қонуний равишда чиқим қилган.

Мана буниси «Халқ сўзи»даги фельетон чиққандан сал кун ўтгач содир бўлган: боғдорчилик бригадаси бошлиғи Бозор Маматқулов ҳар килоси 7 сўмдан бўлган олма-олча маҳсулотларини четдан келган шахсларга нақд пулга сотиб юборган, унинг ҳам ёнидан 54.900 сўм пул чиққан. Хўжалик директори Ч. Худойқулов «Зафар» кичик корхонаси тузиб, 1992 йилда «Шакарқамиш» давлат хўжалигига келган 80 тонна бензиндан 47 тоннасини кичик корхонага ўтказиб, ҳар литрига 3 сўмдан нарх қўшиб, қўшки хўжаликларга чиқим қилдирган. Бу алдамқалдамдан 140 минг сўмдан зиёд фойда кўрилган.

Ажабо, Олтинсой район ҳокими Тошпўлат Абдураҳмонов нега хўжалик раҳбари Чори Худойқуловнинг мушугини «пишт» демаётган экан? Бу ҳақда бутун вилоятга турли афсоналар тарқаб кетса-да, вилоятда ҳам ҳамма томошабин бўлиб турибди. Сабабини билсак бўладими, ҳурматли ҳоким? Ҳомийлик иплари кимларга бориб тақаларкин?

СУРХОНДАРЁДАН келаётган бирбиридан ташвишли хабарлар кишини ўйга толдиради. Беихтиёр «Сурхондарёнинг дарвозаси борми ўзи?» деб юборгинг келади. Мана Деновда рўй берган бир воқеага баҳо беринг. Хайробод темир йўл бекати бошлиғи жаноб Жўрақулов ҳеч қандай ҳужжат-пужжати йўқ 1340 қоп, яъни 60 тонна шакарни (уни қанча рўзғорга тақсимлаш мумкин) матлубот жамияти омборига эсон омон топширган. Буни қарангки, расмий васиқаларга кўра айнан ўша кунлари матлубот жамияти раиси А. Абдураззоқовни омборчи Т. Бойманов, экспедитор Н. Азизовлар Қозоғистоннинг Кўкчатов шаҳрига эртаги карам жўнатишган. Гўё бу маҳсулот Тожикистон Республикаси Ғағар шаҳридаги «Садо» ширкати номидан юборилган эмиш. Аслида бунақа ширкатнинг ўзи ер юзида йўқ. Ниқобланган вагондаги юк ҳам эртаги карам эмас, 35 тонна шакар, 2 вагон сабзавот консерваси бўлган. Қаранг, битта «операция»да шунча ҳийла—найранг-а!

Эл ризқини қирқиб бойиш ишқида юрганларнинг жазоси нима? Аввало халқ ғазабига дучор бўлиши керак улар. Лекин халқ вакиллари — депутатлар Хайробод матлубот жамияти раиси А. Абдураззоқовни Ҳазарбоғ қишлоқ Кенгаши депутатлигидан чақириб олишга, бинобарин айбланувчини ҳибсга олишга розилик бермаяптилар. Агар катталар ҳомийлар томонида туришмаганида аллақачон адолатли қарорга келишарди, албатта.

Ленин йўли районидаги бир қатор давлат хўжаликлари раҳбарлари пахтанинг харид нархини «арзонлаштириб юбордилар». Гап шундаки, аслида тоннаси 130—140 минг сўм турадиган хом ашёни 30—40 мингга воситачиларга арзон нархда сотиб юборишибди. Бежизгамикин? Ҳозир ана шу жумбоқни ечиш учун текширув давом этмоқда. Лекин шуниси равшанки, пахтани сотиш учун казо-казоларнинг имзоси бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти даврида иш ҳақининг озлиги ҳаммага маълум муаммо. Агар шу борини ҳам ойлаб ололмай юрсангиз, дардингизни кимга айтасиз? Жавоб тайин: нақд пул етишмайди. Лекин қўйида бир мисолни келтирмоқчимизки, унда нақд пул кимларга нақдгина берилаётганини билиб оласиз. Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида «Гулноз» фирмаси бор. Ташкилотни рўйхатга олишнинг бир қатор шартларига хилоф равишда Термиз шаҳрида «Гулноз»нинг филиали очилди. Филиал Сурхондарё вилоят акционерлик ва тижорат банки (бошқарувчиси Фозил Алимардонов)дан ўз эмас-кўп эмас 20 миллион сўм нақд пулни қарз кўтаради. Кўп ўтмай бу маблағ Ўзбекистонга «бевафолик» қилади. Фирма президенти Мақсуд Мамасолиев шунча пулга 6 та енгил машина, 3 ва 5 хонали уй, нусха кўпайтиргич мослама, маъмурий бино ва яна кўплаб шахсий мақсадларда фойдаланиш учун мол-мулклар харид қилган. Текшир-текширдан кейин 20 миллион сўмнинг 12 миллион 509,3 минги ундириб олинди, қолгани ҳамон қайтарилгани йўқ. Хўш, уни ким тўлайди? Нега тайини йўқ филиал рўйхатга олинди? Кексаларга нафақа, деҳқонларга иш ҳақи бериш учун нақд пул топилмай турганда нега 20 миллион сўм ҳадя этилди? Қолаверса, буларни нега ҳеч ким назорат қилмайди? Бундай саволлар Сизни ўйлатадими, ҳурматли ҳоким?

Бой ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга мутахассисларнинг фикрича, вилоятда раҳбар кадрларни гапга кирадиган, қилт этмасдан айтганни бажо этадиган ходимлар ҳисобига танлаш каби ўжарлик сезилмоқда. Бу охир-оқибатда дарз кетишларга олиб бориши муқаррар, албатта. Ахир кучли, билимдон ходимларга масъулиятли лавозимлар ишониб топширилса, муз жойидан кўчиши осон эмасми? Ҳокимликни танҳо ҳукмдорлик деб тушуниш ҳам азалдан таркиб топиб келган коллегиалчилик ақидасини чиппакка чиқармоқда. Илгариги мавқеини йўқотган партия ташкилотлари ўрнида бўшлиқ ҳосил бўлган. Биров-бировдан сўрамай қўйган замон. Ҳар бир ҳокимнинг нечтадан ўринбосари бор. Уларнинг ижодий тафаккуридан фойдаланиш, фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиш рисоладагидекми? Бу саволга ижобий жавоб қилишдан осони йўқ.

Сурхондарёдай катта бир воҳанинг ўзига хос муаммолари йўқ эмас, албатта. Бу ҳокимдан озмунча матонат талаб этадими! Бунинг учун аввало одамлар қалбига йўл топиш, уларнинг ишончини қозониш, адолат тарози палласини тенг тутиш тақазо этилади. Ҳар бир раҳбар ана шу мезонга жавоб бера олса, ишда муваффақият таъминланади. Акс ҳолда иш қийин, жудаям қийин кечади!

Кўпдан-кўп масалаларнинг замирига назар ташлаб: «Нега шундай бўлмоқда, ўртоқ ҳоким?» деб сўрагиси келади кишининг. У хоҳ кадрларни танлаш, хоҳ жиноят гуруҳига қарши туриш, хоҳ ҳалол ва тўғри кишиларни қўллаб-қўлтиқлаш бўлсин, ҳоким ўзининг муқаддас позициясидан қадамба-қадам чекиниб борганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Чекиниш — ниманинг ҳисобидан? Буни одамлар қандай қабул қилишар экан? Вилоятнинг иқтисодий таназзулида ҳоким Ҳаким Бердиевнинг бирма-бир чекиниб бориши ҳам ўз ифодасини топмаётганмикан? Иқтисодий таназзул селга айланиб, ўз бурчидан чекинган ва тобора чекиниб бораётган одамларни биратўла ювиб-оқизиб кетишини кутиб туриш керакми?

Ш. ЖАББОРОВ.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАР БИЛАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Тараққиёт дастури ҳайъати бошлиғи жаноб Рейнхард Холмке ташрифи мақсади ҳақида сўзлаб, шундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлига кириб, БМТга аъзо бўлганидан буён унинг халқаро майдондаги обрўси ортиб бормоқда ва унга нисбатан жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши кучаймоқда. Ўзбекистон БМТ аъзоси ўлароқ, мазкур халқаро ташкилотга фаол қўшилиши учун кенг имкониятларга эга ва бу йўл билан у мамлакатга катта сармоя олиб келиши мумкин.

— Ушбу мақсадлар учун, —сўзида давом қилиб деди Р. Холмке,— БМТ Ўзбекистонга қайтармаслик шарти билан 10,8 миллион Америка доллари ажратди.

Маълумки, июль ойида, шунингдек, Европа Кенгашининг Бош котибаси Катерин Лалюмьер хоним ва Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмет Четин бошчилигида Кенгаш ҳайъати Ўзбекистонда бўлди. Ташриф дастури учун ажратилган вақт оз бўлишига қарамай, ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида, республика Бош вазири ҳузурида, Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. Сафар ниҳоясида К. Лалюмьер хоним чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказди. Унда К. Лалюмьер хоним Тошкентда қисқа вақт бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт ҳақида бирмунча маълумотга эга бўлганлигини мамнуният билан баён қилди. Аммо Франциянинг «Монд» газетаси мухбири Скотто Марселнинг эълон қилган хабарида ўзгачароқ маъно ётганлиги бирмунча кишини ўйлантиради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон, К. Лалюмьер хоним айтиб ўтганидек, ўз тараққиёт йўлига эга. Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенцияси асосларига кўра, ҳар бир миллат танлаган тараққиёт йўли ҳурмат қилиниши лозим.

Бу хусусдаги фикрни бир оз ривожлантириб, МДҲ мамлакатларининг баъзиларида чиқадиган нашрларнинг Ўзбекистондаги ҳаётга мос келмайдиган «бадиҳа»лари ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиш ўринлидир. Зеро, республикамиздаги осойишталик, мамлакат аҳлининг тинч меҳнат билан бандлиги кимларгадир хуш келмаётгандай кўринади. Биродаркушлиқ урушлари, ўзаро жанжаллар давом этаётган мамлакатларда кимгадир «демократия» байроғи баланд кўтарилгандай туюлмоқда.

Зотан, июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, она диёримизнинг фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. Абдуллаев Россия Федерациясида иш бошлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, у ердаги оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволдан бирмунча йироқ эканликлари аён бўлмоқда. Аммо элчихонада бўлиб ўтган матбуот конференцияси бу масалага ёрқинлик киритди.

Шуни таъкидлаш лозимки, июль ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 74 нафар чет эллик журналист қабул қилинди. Улар «Ви Экономик» (Франция), «Тайм» (АҚШ), «Сандей Экспресс» (Буюк Британия) ва ОРФ (Австрия), Си-эн-эн (АҚШ) телекомпанияларининг вакилларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, Ташқи ишлар вазирлигида чет эллик мухбирларга рухсатномалар бериш тадбирлари бошлаб юборилди. Ҳозирга қадар Франциянинг «Либерасьон», Туркиянинг «Заман», Россия Федерациясининг «Торговая газета» нашрлари ва «Интерфакс» ахборот агентлигининг мухбирлари рўйхатдан ўтдилар. Бу тадбир давом этади.

Чиндан ҳам Ўзбекистон Республикаси ва унинг олий раҳбарияти мақоми халқаро майдонда дунё ҳамжамиятлари ва анжуманларида сезиларли даражада ортиб бормоқда. Шу йилнинг июль ойи бошида Финляндияда бўлиб ўтган «Хельсинки-2» халқаро йиғинида Ўзбекистон Республикасига нисбатан кўрсатилган саммий муносабат бунга ёрқин мисолдир. Бу ҳақда бундан бир йил муқаддам хаёл қилиш ҳам даргумон эди. Албатта, республика олий раҳбариятининг қатъий, изчил ички ва ташқи сиёсати туфайли халқимиз кўнсига ҳам шабада тега бошлаганидан ифтихор туйғусига тўласан киши.

Бинобарин, республикамиз ҳудудига қадам қўйган расмий ва норасмий ҳайъат аъзолари бу ерда улкан ишлар бўлаётганининг гувоҳи бўлиб, хайрли ишлар қатори бирмунча жузъий саҳвлар ҳам борлигига дўстона шаклда ишора қилишлари ва ёрдам қўлларини узатишлари м

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

10 – 16 август

• 10, душанба

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 10 август куни «Орбита-IV» кўрсатувлари соат 4.55 дан 15.45 гача УзТВ I канали орқали олиб кўрсатилади.

УзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Дам олиш маскани муаммолари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзбекистон республикаси ИИВ матбуот маркази хабар қилади... 19.35 Катталар учун мультфильм. 19.45 М. Қори-Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Зарафшон» ашула ва рақс жамоасининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Шарқ бозори». Марғилон халқ театрининг дам олиш кўрсатуви. 21.35 «Келдию-кетди». Бадиий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Болалар». 21.10 «Билиб қўйган яхши...» 21.25 «Миришкорлар». 21.55 «Лаҳза». Хабарлар. 22.05 «Узингни эр билсанг...». 22.45 «Санниковери». Бадиий фильм.

ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Якунлар. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 Телевизион ҳужжатли фильм. 9.10 «Статуэтка Фидия». Телевизион бадиий фильм. (Италия). 10.10 «Янги авлод танлайди». 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Хордиқ чиқаринг». 14.40 «Менинг одамларим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.45 Болалар учун. «Электрониканинг саргузаштлари». 1-серия. (Одесса киностудияси). 17.00 Янгиликлар. 17.25 НЭП. 17.55 XXV Ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Вафлисиз муз қаймоқ». Бадиий фильм. (Венгрия). 21.45 «Янги студия таништиради». С. Пенкин концерти. 22.45 «Бомонд».

23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Лимпопо».

• 11, сешанба

УзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Спортлото». 19.25 «Янгиланиш йўлида». 19.55 «Султонпошша Удаева қуйлайди». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. Т. Низом. Адабий театр. «Чўлпон». 21.25 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-серия. 22.35 Футбол. «Пахтакор—79» турнири. Финал. «Навбаҳор» (Наманган)—«Косонсойчи» (Косонсой). «Меҳнат резервлари» ўйинги-ҳидан олиб кўрсатилади. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 Телефильм. 11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 12.10 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Чорраҳа». 20.00 «Мусиқали меҳмонхона». 20.30 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларидан. 21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Ерталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.05 Мультфильм. 9.55 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. (Италия). 11.00 Янгиликлар.

13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...». 14.45 «Менинг одамларим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.55 Болалар учун фильм. «Электроникани-нинг саргузаштлари». 2-серия. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси кўрсатади. 17.55 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув. 18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 «Хайрли, тун кичкинтойлар!».

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Қора қути». 22.10 «Солнечний день» гуруҳининг концерти. 22.25 «Жонли сув» клуби. Танаффус пайтида 23.00— Янгиликлар.

• 12, чоршанба

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Фильм-концерт. 8.05 «Нофелет қаерда». Бадиий фильм. 9.30 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Истиқлол йўли». Фарғона вилояти.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тилга эътибор...» 20.00 «Қалб наволари». Концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Покистон мустақиллиги кунига. «Дўстлик ришталари». 21.40 «Мулоҳаза». Мусиқий театрлар ҳақида. 22.40 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 Телефильмлар. 11.10 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 11.40 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». 19.20 «Спринт». 19.40 «Шаҳар ҳокимияти фаолиятидан». 20.40 «Судхўрнинг ўлими». Бадиий фильм. 22.10 «Эсдалик учун дастхат». Ретро услубидаги мусиқа.

ОРБИТА IV

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Ерталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильм. 9.55 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 Мультфильмлар. 14.50 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.55 Болалар учун фильм. «Электроникани-нинг саргузаштлари». 3-серия. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «Сиёсат» студияси таништиради. 17.40 «Китоб дўкони». 18.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.05 Г. Бурбулис В. Познер ёрдамида Г. Бурбулисни шарҳлайди. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «...Разведка». 1-кўрсатув. 22.00 «Кечки альбом». 22.20 «Фермата». 22.40 «Ярославль фестивали».

23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Тўқиз-талик».

• 13, пайшанба

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Телефильм. 8.05 «Мафтунингман». Бадиий фильм. 9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Талабалик йилларим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 19.55 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Истиқлол йўли». Сурхондарё вилояти. 21.40 «Тезюрар поезд». Бадиий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 Телефильм. 11.40 «Ватан ўғлонлари». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Устахона». А. Казаков. 19.30 «Имконият». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Ерталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильм. 9.55 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 3-серия. 11.00 Янгиликлар.

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.05 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.50 Мультфильм. 16.00 Болалар спорт кўрсатуви. 16.20 Болалар мусиқий клуби. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «16 ёшгача ва ундан катталар...» 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.45 XXV ёзги Олимпиада ўйинларининг якунлари.

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.

• 14, жума

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт. 7.55 «Қизни топинглар». Бадиий фильм. 9.25 «Келажагимиз мактабда». 10.10 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Истиқлол йўли». Сурхондарё вилояти.

16.50 Янгиликлар. 17.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Навбаҳор» (Наманган). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм. 18.50 Мультфильм. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат хабарлари. 19.25 «Ҳуқуқий давлат сари». 19.55 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ваҳобжон Фаёзов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Ўзбекистон куйлагай». Ёш хонандаларнинг телевизион танлови. Наманган вилояти. 22.00 «Ҳиндистон тонги». Кинокўрсатув. 22.45 «Сен ҳам осмонни кўрасан». Бадиий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Ерталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.05 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 9.35 Мультфильм. 9.45 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

13.10 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Меломанга совға». Ирина Архипованинг мусиқий меҳмонхонаси. 1-кўрсатув. 14.55 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.50 Болалар учун фильм. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Инсон ва қонун». 17.55 «Қора кўркам от саргузаштлари». 5-серия. 18.20 «ТВ-Нева». «Ким биз билан?». 18.40 Мультфльм. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Қўшиқ куйлаш истаги». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.40 Халқ куйлари. 21.55 «ВИД таништиради: «Матадор». 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Ҳордиқ чиқаринг». 23.50 «Хит-конвейер».

• 15, шанба

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Инсонга қанот нима учун керак?». Бадиий фильм. 9.20 Спорт кўрсатуви. 9.50 Болалар учун «Ёрилтош». 10.20 «Мушоҳада». 10.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 11.20 «Санъат усталари». 11.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 12.20 «Келинг, бир кулишайлик». Республика қизиқчи, аскиячи масхарабозларнинг IX танлов кўриги. 13.10 «Инсон саломатлиги ва атрофмуҳит». 13.50 Қорақалпоғистон студияси кўрсатади.

18.00 Мультфильм. 18.15. Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим — жон қўшиғим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Республикада хизмат кўрсатган артист Матниёз Юсупов. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Истиқлол йўли». Бухоро вилояти. 21.40 «Унутилмас сатрлар». Хўжа Аҳмад Яссавий.

22.55 «Плюшихадаги «Уч терак» қаҳвахонаси». Бадиий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА IV

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги». 6.55 Янгиликлар. 7.30 Мультфильм. 7.45 «Моторлар оламида». 8.15 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 8.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Марказ». 10.10 «Бумеранг». 10.40 «Мусиқий дўкон». 11.10 «Экология хроникаси». 11.25 «Тиббиёт сиз учун». 12.05 Мультфильм. 12.20 Давлат Кубан казаклар хорининг концерти. 13.05 «Око» студияси таништиради. 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби 14.25 «Тасвирдаги сурат». В. Белов. 15.15 «Зазеркалье». Телевизион бадиий фильм. «Кичкина деманг бизни...» («Туркманфильм»). 16.35 «Афғонистон тупроғида яратилган қўшиқлар». 17.35 «Театр учрашувлари». 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олтин қидирувчилар». Бадиий фильм. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Брейн ринг». 21.20 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусиқали фильм премьераси. 3-фильм. 22.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Рояль олдидаги учрашув».

• 16, якшанба

УзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Оқ кема». Бадиий фильм. 10.10 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Истиқлол йўли». Бухоро вилояти. 10.50 «Ҳужжатли экран». 11.35 «Қувноқ стартлар». 12.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 13.25 «Футбол майдонларида». 14.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол».

18.00 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Кичкинтой устахонаси». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг бир йиллигига. «Ҳулкар». Телеойнома. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти 21.00 «Марҳабо, талантлар!». Республика бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Самарқанд вилояти. 22.20 «Аҳмад қаерда». Бадиий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби

ОРБИТА IV

5.20 Кўрсатувлар тартиби. 5.25 «Руҳни чиниқтириш». 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 Жаҳон халқлари ижоди. «Сурия санъати». 8.00 «Эрта саҳарлаб». 8.40 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.10 «Тонг юлдузи». 10.10 Мультфильмлар. 10.45 Афсонавий портретлар: Петр Лешченко, Оскар Строк. 11.45 «Марафон-15». 12.20 Телевизион ҳужжатли фильм. 13.05 КТВ-1 ва Франс интернасиональ канали таништиради: «Ёввойи табиат кўриқхоналари» туркумидан ҳужжатли телефильм премьераси. 11-фильм. 13.35 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.15 Кўрсатувлар тартиби. 14.20 «Финистбалалайка» ансамблининг концерти. 14.50 «Михаил Таль: кеча, бугун, эртага». 15.25 «Саёҳатчилар клуби». 16.15 «Панорама». 16.55 «Уолт Дисней таништиради...» 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Жодугарлар ертўласи». Бадиий фильм. 20.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Россия — Мексика терма командалари. 2-тайм. «Локомотив» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 20.50 «Олтой, йил фасллари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 Якунлар. 21.45 «Ялта-92». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танловининг очилиши. Танаффус пайтида 23.00 — Янгиликлар.

«ЖАРЧИНОМАСИ» «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

БИРИНЧИ МАРТА! ПОЁНСИЗ СТЕРЕО РОҲАТ!

ЯНГИ SONY СТЕРЕО ПЛЮС ТИЗИМИ УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР ДОИРАСИНИ ФАҚАТ SONYГАГИНА ХОС БЎЛГАН СТЕРЕОЖАРАНГДОРЛИК СИФАТИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРАДИ

- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли радиостанцияларингизни ультрақисқа тўлқинларнинг қуйи (65–74 МГц) ва юқори (87,5–108 МГц) доираларида стерео шароитларида қабул килиш имконини беради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС овознинг тиниқ жаранглаши, замонавий жиҳозланиш ва бошқарувнинг енгиллигини ўзида мужассамлаштиради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС – бу миди- ва мини- HI–FI тизимлари ва стереомагнитола демакдир.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли асарларингиз ёзилган юксак сифатли стереофонотекани яратишдек ноёб имкониятни тақдим этади.
- СТЕРЕО ПЛЮС – БУ SONYНИНГ ЯНГИ КАЛОМИ. Унга қулоқ тутинг. Унинг садоси беқиёс!



Сиз 1992 йилнинг 15 июлидан 31 августигача SONYнинг расмий сотувчиларидан сотиб олинган ҳар бир СТЕРЕО ПЛЮС тизими учун:

- ▷ битта SONY аудиокассетасини
- ▷ битта SONY компактдискини мукофотга оласиз.

STEREO PLUS

SONY МУҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ ВАЛЮТА ДЎКОНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: ТОШКЕНТ – "SONY" дўкони; САМАРКАНД – Регистон кўчаси, "SONY" дўкони.

SONY

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ ИНВЕСТИЦИОН РИВОЖЛАНИШ БАНКИ

— корхона ва ташкилотларнинг ҳамда алоҳида шахсларнинг ҳисоб-китоб жамғармаларини очишни;

— ҳисоб-кассавий хизмати кўрсатишни;

— факторинг операциялари (кредит ва дебиторлик қарзлар)ни сотишни;

— корхона ва ташкилотларнинг вақтинча ишлатилмайдиган маблағларини 20 фоизини депозитга олишни;

— маркетинг хизматини;

— қўшма корхоналар тузишда ишбилармонларни топишни;

— бухгалтерлик ҳисоби ва солиқ тўлашни, бошқа пул масалалари бўйича маслаҳатлар беришни;

— юридик шахслар ва фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни;

— мижозлар топшириши ва маблағлари ҳисобига капитал маблағлар билан таъминлашни

АМАЛГА ОШИРАДИ

•

УЗИНВЕСТБАНК—

Иқтисодий масалаларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича аниқ таклифларга эга бўлган барча қашфиётчиларни, рационализаторларни, раҳбарларни, касбкорларни ҳамда ишбилармон кишиларни ҳамкорликда ишлашга чақиради.

ДИҚҚАТ!

Ўз ҳисоб-китоб жамғармаларини очган барча мижозларга хизмат кўрсатиш йил охиригача бепул амалга оширилади.

Манзилгоҳимиз: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 1-уй.

Давлат банкининг шаҳар бошқармаси ҳисоб-китоб маркази. Корр. счёт 700161515, код 172682715.

Телефонлар: (3712), 41-57-35, 41-45-08, 41-55-32.

Телетайп: 116587— «Родник» Узинвестбанк.

Факс — 41-57-35.

АСАЛАРИЧИЛИКНИ УРГАНИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ 19-ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1992–1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни

АСАЛАРИЧИЛИК мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 10 ой. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1993 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юборилади. Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар. Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади.

Ўқиш 1992 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

Билим юрти директори номига ариза, таржимаи хол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тафсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 катталикдаги 10 дона сурат, тиббий шаҳодатнома (086-У андозада), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент райони, А. Абдураҳманов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, 19-ЎХТБЮ.

Телефон: 56-689 (Билим юртига келиш учун Тошкент метросининг «Чорсу» бекатидаги автостанциядан 466 ва «Тошкент-Сариғоч» автобусларига чиқиб 19-ЎХТБЮ бекатига келинади).

Бош муҳаррир

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 19.50. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 № 155. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.